

Ўз низоми асосида иш юритувчи “Тезкор таъминот” МЧЖ номидан унинг раҳбари З.Абдувоитов бундан кейин “Етказиб берувчи” деб юритилади бир томондан, ва иккинчи томондан ўз низоми асосида иш юритувчи АЖ “Ўз-СэМюнгКо.” кўшма корхонаси номидан унинг бошқарув раиси Б.З.Мухиддин бундан кейин “Буюртмачи” деб юритилади биргаликда қисқача “Тарафлар” деб юритилади. Тарафларнинг ўзаро манфаатларидан келиб чиқиб, ихтиёрий равишда қуйидаги шартномани туздилар.

1. Шартноманинг предмети.

- 1.1. “Етказиб берувчи” – “Буюртмачи” томонидан 1-иловадаги нарх келишувга асосан буюртма қилинган озиқ-овқат ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш ва етказиб берилган маҳсулотларнинг сифатига тўлақонли равишда жавоб беришни ўз зиммасига олади, “Буюртмачи” эса етказиб берилган озиқ-овқат ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун ҳисоб-китоб ишларини тақдим қилинган ҳисоб-фактураларга асосан амалга оширади.
- 1.2. Шартноманинг умумий қиймати ҚҚС сиз: 2 912 980 000.00 (икки миллиард тўққиз юз ўн икки миллион тўққиз юз саксон минг сўм 00 тийин) ни ташкил қилади.

2. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

2.1. “Буюртмачи”нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

- 2.1.1. Етказиб берувчидан шартнома шартларини бажаришини талаб қилиш.
- 2.1.2. Етказиб берилган маҳсулотнинг талаб даражада эканлигини назорат қилиш.
- 2.1.3. Шартномавий мажбуриятларни тўлиқ бажариш.
- 2.1.4. Етказиб берилган маҳсулотлар учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириб бориш.

2.2. “Етказиб берувчи” нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

- 2.2.1. Шартнома шартларига тўлиқ риоя қилиш ва “Буюртмачи”нинг оғзаки ва ёзма буюртмаларини ўз вақтида ҳеч қандай муаммоларсиз етказиб бериш.
- 2.2.3. Шартнома бўйича етказиб берилган маҳсулотлари учун “Буюртмачи”га ҳисоб-фактураларни ўз вақтида тақдим этиш.
- 2.2.4. Шартномада келтирилган нархларни 3 ой мабайнида ўзгартирмаслик мажбуриятини олиш.
- 2.2.4. Шартномавий мажбуриятларни тўлиқ бажариш.

3. Тўлов тартиби.

- 3.1. “Етказиб берувчи” ҳисоб-фактураларни “Буюртмачи”га ҳар ойнинг охирига қадар тақдим қилади.
- 3.2. Тарафлар ўртасидаги ҳисоб-китоб ишлари 100% пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.
- 3.3. “Етказиб берувчи” амалга етказиб беририлган маҳсулотлар учун “Буюртмачи”га ҳисоб-фактураларни тақдим этганидан сўнг, “Буюртмачи” 10 банк иш куни давомида 100% тўловни амалга ошириб беради.
- 3.4. Тарафлар ўртасидаги ҳисоб-китоб ишлари Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида амалга оширилади.

4. Тарафларнинг жавобгарлиги.

- 4.1. Тарафлар мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган ёки тегишли тарзда бажармаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

5. Низоларни ҳал қилиш тартиби.

- 5.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар имкон қадар тарафлар ўртасида музокара йўли билан ҳал қилинади.
- 5.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал қилинмаган тақдирда, Андижон туманлараро Иктисодий суди орқали ҳал қилинади.

6. Якуний қодалар.

6.1. Мазкур шартнома тарафларнинг келишувига кўра ёки мазкур шартноманинг 2-бандларида кўрсатилган шартнома шартлари бир тарафдан бузилган тақдирда, иккинчи тарафдан бекор қилиниши мумкин.

6.2. Шартноманинг бир томонлама бекор қилиниши ёзма хабар қилиш йўли билан амалга оширилади. Хабар хати 10 (ўн) банк иш кунлик муддатда хабарга жавоб олинмаган тақдирда шартнома бекор қилинган деб ҳисобланади.

6.3. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар фақат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколат берилган вакиллари томонидан имзоланиши ҳақиқий ҳисобланади.

6.4. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга.

6.5. Томонларнинг ҳар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

6.6. Шартнома имзоланган кундан бошлаб 2023 йил 31-майга қадар амал қилади.

7. Тарафларнинг манзил ва банк реквизитлари.

“Етказиб берувчи”

“Тезкор таъминот” МЧЖ
Қўрғонтепа т. Султонобод МФЙ
Сарбон куча 66 уй
х/р: 20 208 000 805 155 294 001;
АТБ «Халк банки» Корасув филиали
МФО: 00663; СТИР: 306 963 245.




Рахбар З.Абдувоитов

“Буюртмачи”

АЖ «Ўз-СэМюнгКо.» ҚК

Андижон шаҳар Сой кўчаси 5- А уй
х/р: 20 214 000 401 107 585 001;
АТБ «Хамкорбанк» МФО: 00083;
СТИР: 202 128 505; ОКЭД: 29320.



Бoshқарув раиси: Б.З.Муҳиддин


Ушбу шартнома шартлари Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 август кундаги № 670-І «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни ва бошқа ҳуқуқий норматив ҳужжатларида кўрсатилганларга мос равишда белгиланган.

Ҳуқуқшунос

KELISHILDI	Ma'sul shaxs	Bo'lim boshlig'i	Rajlashtirilgan bo'lim boshlig'i	Soha bo'lyicha direktor	Iqtisodiyot bo'lyicha direktor	Boshqaruv raisi o'rinbosari

юрисконсултант АО С.И.
«ЎзСэМюнгКо»
Per № 421 от 28.04.2022
Подпись

«Келишилган»
«Тезкор таъминот»
маъсулияти чекланган жамияти раҳбари


Абдувоитов З.
«29» 09 2022 йил.

«Тасдиқлайман»
АЖ «Ўз-СэМюнг Ко.» қўшма
корхонаси бошқарув раиси


Мухиддин Б.З.
« 2022 йил.

НАРҲЛАР КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ

2022-йил «29» апрелдаги № 421 -сонли шартномага №1 - илова

Бир томондан «Тезкор таъминот» маъсулияти чекланган жамияти, кейинги ўринларда «Етказиб берувчи» деб аталади, ўз низоми асосида иш юритувчи раҳбари Абдувоитов З. ва иккинчи томондан АЖ «Ўз-СэМюнг Ко.» қўшма корхонаси кейинги ўринларда «Харидор» деб аталади, ўз низоми асосида иш юритувчи бошқарув раиси Мухиддин Б.З. қуйидаги қишлоқ хўжалиги ва озик-овқат маҳсулотларини нарҳлар келишув баённомасини туздилар.

Нарҳлар сўмда

№	Маҳсулот номи	ўл.бир.	Нархи
1	Тухум (сараланган)	Дона	1 150
2	Саримсоқ пиёз	кг	23 000
3	Чой (қўк)	кг	27 500
4	Чой (қора)	кг	27 000
5	Махсус зираворлар	кг	58 000
6	Зира (олий навли)	кг	55 000
7	Зиравор (мол гўшти таъмли)	кг	42 000
8	Ош тузи (олий нав)	кг	1 500
9	Шакар қум	кг	9 800
10	Шолғом	кг	2 500
11	Турп	кг	2 500
12	Гуруч ("аланга" нави)	кг	11 800
13	Гуруч (лазер нави)	кг	15 000
14	Гуруч (девзира)	кг	21 000
15	Гречка (олий навли)	кг	15 500
16	Перловка	кг	7 000
17	Мош	кг	13 000
18	Қуритилган нохот НУТ (ош учун)	кг	23 000
19	Ловия (Оқ)	кг	13 000
20	Қурутилган наматак	кг	27 500
21	Ўрик қоқи	кг	24 000
22	Макарон (олий навли, ракушка, "Макиз" макулланади)	кг	9 800
23	Писта ёғи ("слобода" макулланади)	кг	23 550
24	Товуқ сон гўшти (бедро)	кг	37 000
25	Товуқ сон гўшти (лахим)	кг	36 000
26	Товуқ оёқчалари	кг	35 000
27	Қозоғистон уни (Олий нав)	кг	7 200
28	Қозоғистон уни (1 нав)	кг	5 200
29	Андтжон уни (1 нав)	кг	3 200
30	Сабзи	кг	4 500
31	Пиёз	кг	3 000
32	Картошка	кг	4 300
33	Оқ қарам	кг	4 000

№	Махсулот номи	Ўл.бир.	Нархи
34	Басай карам	кг	4 500
35	Қизилча (янги)	кг	4 500
36	Лимон (янги)	кг	24 500
37	Баклажон	кг	3 500
38	Ош қовок	кг	3 800
39	Маккажўхори	кг	4 300
40	Редиска	кг	3 500
41	Кўкатлар	кг	9 000
42	Саримсоқ пиёз (янги кўк)	кг	5 000
43	Памилдори (сараланган)	кг	6 000
44	Бодринг (янги)	кг	6 000
45	Қалампир (аччик, қизил)	кг	12 000
46	Булғор қалампир (янги кўк пўсти йупка)	кг	7 500
47	Булғор қалампир (янги қизил)	кг	8 000
48	Бул-ор қалампир (қизил, тузланган)	кг	12 000
49	Жандук (Кансерваланган)	кг	12 000
50	Томат пастаси 30% лик (Ибрат , Итфоқ)	кг	21 000
51	Уксус кислотаси 3% лик	литр	14 000
52	Фунчоза	кг	14 500
53	Брынза	кг	32 000
54	Салқин ичимлик 0,5 л. (Coca-cola, Fanta)	дона	4 800
55	Оби нон (300 гр. Олий навли ундан тайёрланган)	Дона	2 900
56	Макажухори консерва килинган	кг	12 150
57	Кўзиқорин (шампиньон) консерваланган	кг	23 000
58	Тузланган помидор черри	кг	17 150
59	Тузланган бодринг	кг	21 000
60	Дрожа	кг	42 200
61	Сода	кг	22 000
62	Куритилган сут	кг	33 000
63	Гилос	кг	4 500
64	Олма	кг	4 800

Ушбу нархлар "01" май 2022 й. дан кучга киради.

«Етказиб берувчи»



«Харидор»

